

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБИДОВА ГУЛМИРА ШУХРАТОВНА

**ЎТА ТОЗА МОДДАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА КЎП
КОЛОНКАЛИ АДСОРБЦИОН УСКУНАНИНГ ЧИҚИШИДАГИ
СИГНАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ТАХЛИЛ
ҚИЛИШ ВА СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ**

05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва
қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абидова Гулмира Шухратовна

Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимида кўп колонкали адсорбцион
ускунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурималарини
таҳлил қилиш ва синтезлаш усуллари.....3

Абидова Гулмира Шухратовна

Методы анализа и синтеза устройств обработки сигналов на выходе
многоколоночной адсорбционной установки в системе выработки особо
чистых веществ.....29

Abidova Gulmira Shuxratovna

Methods of analysis and synthesis of output signal processing devices
multi-column adsorption unit in the production system especially cleaner
substances.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБИДОВА ГУЛМИРА ШУХРАТОВНА

**ЎТА ТОЗА МОДДАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА КЎП
КОЛОНКАЛИ АДСОРБЦИОН УСКУНАНИНГ ЧИҚИШИДАГИ
СИГНАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА
ҚУРИЛМАЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ВА СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ**

05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва
қурилмалари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T152 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Зарипов Орипжон Олимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуқаюмов Абдурашид
техника фанлари доктори, профессор

Плахтиев Анатолий Михайлович
техника фанлари доктори, профессор

Алиев Равшан Маратович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

«Навоний давлат қончилик институти»

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 22 » 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (153 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил « 14 » 08 кун тарқатилди.
(2020 йил « 04 » 08 даги 12 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф. Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда ишлаб чиқариш жараёнида турли аралашмали моддаларни ўта тоза даражада тозалаш технологияларини, бу жараёнларда иштирок этувчи турли адсорбцион қурилмаларнинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилмаларни, автоматлаштирилган тизим элементларини такомиллаштириш, бошқариш усулларини қўллаш орқали кимё ва хўжалик саноатларида замонавий ишлаб чиқаришдаги талабларга жавоб берадиган, уникал хусусиятларга эга бўлган материаллар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада адсорбцион қурилманинг чиқишидаги маълумотли сигналларга ишлов бериш қурилмаларини ва аралашмали моддаларни тозалаш жараёнида иштирок этувчи элементларнинг тизимли тузилмасини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида аралашмали моддаларни ўта тоза даражада тозалаш, ҳозирда маълум бўлган тозалаш усулларини модификациялаш, такомиллаштирилиши бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда аралашмали моддаларни ўта тоза тозалаш тизимлари ва технологиялари орқали энергия ресурслари тежамкорлигини оширувчи қуёшли батарея ва панелларини ишлаб чиқиш технологияларини такомиллаштириш, фойдали иш коэффициентини ошириш, электрон қурилмаларни сифат кўрсаткичларини ошириш, ўлчамларини камайтиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимини яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишда қўлланилиши мумкин бўлган алгоритм ва усуллар ишланмасини ишлаб чиқилиши ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ҳамда кўп колонкали адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш элементлари ва қурилмаларини таҳлил қилиш ва синтезлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамызда автоматлаштириш ва бошқариш йўналишига, хусусан, турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш, назорат қилиш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи, такомиллашган бошқариш ва назорат тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ўта тоза моддаларни тайёрлаш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

кўп колонкали адсорбцион ускунага асосланган тизим ва унинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилмаларини таҳлил ва синтезлаш усулларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ-539-сон «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, 2019 йил 22 август ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқларива ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги» фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимидаги адсорбцион қурилманинг чиқишидаги сигналларига ишлов берувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва синтезлаш усулларини яратиш, ҳамда бошқариш тизимларини такомиллашувига йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Oracle», «Dow Chemical» ва Michigan State University, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), «Siemens» ва University of Hohenheim, Technical University Munich, Karlsruhe Institute of Technology (Германия), «Sojitz Corporation» ва Kyushu University, The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Imperial College London, The University of Edinburgh (Буюк Британия), Northwest A&F University (Хитой), «Alstom» (Франция), Seoul National University, Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), А.В. Николаев номидаги ноорганик кимё институти, Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университетларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://ieeexplore.ieee.org/document/24819>, <https://www.mathnet.ru/rus/agreent>, www.asucontrol.ru, www.sial.iias.spb.su, https://uk.farnell.com/static/findings/DF10/findings10_aducs.htm, https://nl.wikipedia.org/wiki/Pieter_Eykhoff, https://books.google.ru/books/about/Optium_systems_control.html, <https://www.twirpx.com>, <https://www.sci-hab.la>, www.researchgate.net, <https://elibrary.ru>, <https://cyberlenika.ru>, <https://ucciee.org>, <https://terraelectronica.ru>, <https://www.ipu.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимлари, унинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурилмаларини синтезлаш усуллари ва аралашмали моддаларни тозаланиш босқичлари алгоритмларини яратиш, уларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: аралашмали моддаларни тозалаш усуллари ва тизимли бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Michigan State University, Massachusetts Institute of Technology, АҚШ, Kyushu University, Япония, Россия Фанлар Академияси (РФА), Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси); адсорбцион усқунанинг чиқишидаги аналог кўринишидаги сигналларни рақамли кўринишга ўзгартирувчи аналог-рақамли ўзгартиргич ишлаб чиқилган (University of California, Michigan State University, Massachusetts Institute of Technology, АҚШ, Россия Фанлар Академияси (РФА) Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси, The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology, Япония, Korea Advanced Institute of Science and Technology, Жанубий Корея); адсорбцион усқунани шахсий компьютерга улаш қурилмаси (University of California, АҚШ, Россия Фанлар Академияси (РФА) Бошқариш муаммолари институти, Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Россия Федерацияси, The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology, Япония, Korea Advanced Institute of Science and Technology, Жанубий Корея).

Дунёда аралашмали моддаларни тозалаш тизимининг чиқиш сигналларига ишлов берувчи қурилмаларни синтезлашнинг янги усуллари ва бошқариш алгоритмларини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хатолик даражаси камайтирилган аналог-рақамли ўзгартиргични такомиллаштирилиши, адсорбцион усқунанинг чиқишидаги чўққи кўринишидаги маълумотли сигнални бошини ва охирини аниқловчи қурилмани ишлаб чиқиш, адсорбцион қурилмадаги танланмани ажратиб олиш қурилмасини кириш бошқариш сигнали билан адсорбцион усқуна қурилмаларининг чиқишидаги сигналларни мослаштирув қурилмасини ишлаб чиқиш, моддаларни тозалаш тизимларини тузиш назарияси ва усулларини ривожланишининг тизимли таҳлилини яратиш, ифлосланган адсорбцион қувурларни аниқлашнинг регуляр алгоритмларини ишлаб чиқиш, ўта тоза моддаларни олиш тизимини яратиш ва ишга тушуришда ишлаб чиқилган алгоритм ва усулларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимида кўп колонкали адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурилмаларини таҳлил қилиш ва синтезлаш усуллари оид ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган, сўнги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада ахамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Аралашмали моддаларни ўта тоза даражада тозалаш ва тайёрлаш тизимининг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурилмаларини синтезлаш усуллари муаммоларига бағишланган кўп сондаги ишлар нашр этилган, умумназарий

мезонлар ишлаб чиқилган, ечилган амалий масалалар сони тобора ортиб бормокда. Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимлари ва уларнинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилмаларнинг ривожига кўплаб хорижлик олимлари, жумладан Т. Стивенс, Р. Синг, А. Мартин, А. Джеймс (АҚШ), Г. Шваб, И. Вайс, (Германия), Синъя Яманака, Кэнъити Фукуи (Япония), К.Л. Бертолле (Франция), W.N. Stephen (Буюк Британия), Ч.В. Копецкий, С.С. Будневич, А.В. Жевнеров, С.С. Наметкин, М.И. Прозин, И.Н. Назаров, Н.Д. Зелинский, В.М. Родионов, Я.К. Сыркин, И.П. Алимарин, Н.Д. Куртев, В.В. Николский, А.П. Реутов, Б. Бушевский, Н. Нестеренко, В.М. Окунь, Б.Я. Спиваков, О.А. Шпигун, Л.А. Карцов, А.К. Буряк, А.В. Пирогов, С.Н. Яшкин (Россия) ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Н.Р. Юсупбеков, Т.Ф. Бекмуратов, П.Р. Исматуллаев, А.А. Халиков, С.Ф. Амиров, Р.К. Азимов, М.Ш. Насыров, Р.Б. Рассказова, А.А. Ниязов ва бошқалар ўзларининг улкан хиссаларини кўшишган.

Ишлаб чиқиладиган моддаларни тозалаш тизимининг асоси бўлиб улаш қурилмалари ҳисобланади ва улар тажрибавий эгри чизиқга ишлов бериш ва шаклини таҳлил натижалари бўйича кўп қисмдаги вазифаларни бажарувчи элементлар ҳисобланади. Сунъий интеллект тамойилларидан фойдаланган ҳолда, тавсифловчи параметрларни аниқлаш ва ўлчашда, эгри чизиқнинг муҳим параметрларини ҳисоблаш, самарадорлик ва аниқлик даражасини ошириш имконини беради, ва бу ўз навбатида яқуний таҳлил натижаларининг ишончлигини оширади.

Бироқ илмий-тадқиқот объектлари доирасининг кенгайиши ва доимий мураккаблашуви ўта тоза моддаларни тайёрлаш ва яратиш тизимларини чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилмалар синтезини ва бошқарувини янги самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, илмий нашрларда адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш масалалари етарлича кўриб чиқилмаган. Юқорида таъкидланганлардан, ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимида кўп колонкали адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурилмаларини таҳлил қилиш ва синтезлаш усулларини яратиш, келгусида такомиллаштирилишининг жуда зарурлиги келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг № ОТ-Ф4-77 – «Қуёшли фотозлектрик модулли усқуналарнинг ҳолатини бошқариш учун оптик толали ва световодли интеллектуал оптоэлектрон кузатув тизимларини тузиш назарий асослари ва принципларини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўта тоза моддаларни олиш тизимида кўп колонкали адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи қурилма ва элементларнинг синтези ва таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузатув туридаги аналог рақамли ўзгартиргични ҳисоблаб ишлаб чиқиш; адсорбцион усқунани чиқишида чўққини боши ва охири аниқловчи қурилмани ишлаб чиқиш;

танланмани ажратиб олиш қурилмаси ва унинг элементларини киришдаги бошқариш сигнали билан адсорбцион усқуна қурилмаларининг чиқишидаги сигналларни мослаштирув қурилмасини ишлаб чиқиш;

моддаларни тозалаш тизимларини қуриш назарияси ва усулларини ривожланишининг тизимли таҳлилини яратиш;

ифлосланган адсорбцион колонкаларни аниқлашнинг регуляр дастурий-алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ўта тоза моддаларни олиш тизимини яратишда ва ишга тушуришда ишлаб чиқилган алгоритмлари учун синтез ва таҳлил усулларни экспериментал тадқиқ этиш ва назарий таҳлил қилиш;

адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов беришдаги алоҳида масалалари учун ҳисобий-аппарат ечимини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

кузатув турига асосланган аналог-рақамли ўзгартиргич асосидаги коллоид суяқлик қалинлигини аниқловчи концентрацияловчи фотоэлектроколориметр қурилмасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўта тоза моддаларни тайёрлашда тозалаш адсорбцион тизимининг элементлари ва қурилмалари, унинг тузилмасини яратиш усуллари ва алгоритмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўта тоза моддаларни олиш тизимидаги кўп колонкали адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов берувчи эффектив кўп функционал янги кўринишдаги қурилмаларни яратиш ва коцепцияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишидаги тадқиқот ишлари маълумотларнинг интеллектуал таҳлилининг назарияси ва алгоритмларига, маълумотларга ишлов бериш усулларига, маълумотли параметрларни аниқлашнинг математик таҳлил усулларига, тизимли таҳлил услубиятига, идентификациялаштириш ва ифлосланган адсорбцион колонкаларни ажратиб олиш усулларига асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳар бир адсорбцион колонка учун индивидуал равишда маълумотли параметрларни аниқлаш асосида ифлосланган адсорбцион колонкаларни аниқловчи ва кейинчалик уларни янгиларига алмаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

аналитик ўлчагич сигналларга дастлабки ишлов бериш учун мўлжалланган кузатув туридаги аналог рақамли ўзгартиргич ишлаб чиқилган;

ҳар бир босқичда таҳлил қилинаётган сигналнинг ҳолатини тасдиқловчи кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичга асосланган адсорбцион колонканинг чиқишида чўққини боши, охири ва экстремумини аниқловчи қурилма ишлаб чиқилган;

адсорбцион колонканинг чиқишидаги чўққининг боши, охири ва экстремумини аниқловчи қурилманинг чиқишидаги сигналларни, танламаларни танлаш қурилмасининг киришидаги бошқариш сигналлари билан адаптацияловчи қурилма ишлаб чиқилган;

математик усуллар ёндошуви асосида элемент ва қурилмаларнинг ишидаги хатоликларни аниқланиши билан бирга моддаларни тозалаш тизимининг элемент ва қурилмалар тузилмаси ва тартибланиш усуллари тизимли таҳлили ишлаб чиқилган;

ишлов берилаётган сигналда аналитик шароитни аниқлаш учун мўлжалланган ўта тоза моддаларни олиш тизимини яратиш ва ишга туширишда қўлланиладиган алгоритмлар ва таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

адсорбцион сигналларни логарифмик бир чизикли характерли тақсимланиш априор қонуни ва таҳлил таркиби ва моддаларнинг хусусиятларини шакллантирувчи воситалар жараёнларининг математик моделлаштирилиши асосида адсорбцион сигналнинг маълумотли параметрлари аниқланган;

киришдаги маълумотларнинг специфик хусусиятларини инобатга олган ҳолда адсорбцион усқунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов беришдаги алоҳида масалалари учун ҳисобий-аппарат ечимларининг ишлаш тавсифлари ва умумий хусусиятлари ишлаб чиқилган;

ярим суюқ ҳолдаги моддаларнинг зичлигини аниқловчи кузатув турига асосланган аналог-рақамли ўзгартиргич асосидаги коллоид суюқлик қалинлигини аниқловчи концентрацияловчи фотоэлектроколориметр қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нормаллашган функционал шароитда амалий тажриба натижасида адсорбцион колонка чиқишидаги маълумотли параметрларни аниқловчи математик таҳлил амалга оширилган;

адсорбцион усқуна чиқишидаги сигналнинг маълумотли параметрларини аниқловчи услубият ишлаб чиқилган;

адсорбцион усқуна чиқишидаги чўққисимон шаклдаги чиқиш сигналларига дастлабки ишлов бериш босқичида, маълумотли параметрларни аниқловчи қурилма ва элементларини ташхисловчи комплекс дастурий-алгоритми ишлаб чиқилган;

кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичнинг ҳисоблаш ишлари амалга оширилган ва ишлаб чиқилган;

априор ноаниқлик шароитида ўта тоза моддаларни олиш тизимида кўп колонкали адсорбцион усқунанинг комплекс алгоритм тузилишини намоён этувчи дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган;

кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргич асосида адсорбцион колонканинг чиқишидаги чўққини боши ва охири аниқловчи қурилманинг ишлаш тавсифлари ва умумий хусусиятлари яратилган ва тадқиқ этиш илмий асослари ишлаб чиқилган;

кузатув турига асосланган аналог-рақамли ўзгартиргич асосидаги коллоид суюқлик қалинлигини аниқловчи концентрацияловчи фотоэлектроколориметр қурилмаси ишлаш тавсифлари ва умумий хусусиятлари яратилган ва тадқиқ этиш илмий асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги масалани аниқ математик қўйилиши билан асосланиб, уларнинг ечими якуний натижагача келтирилган ва амалий ечимга эга. Ишончилик даражаси тажриба йўли билан олинган бошланғич маълумотларни қўллаган ҳолда таҳлил назарияси, математик моделлаштириш ва таҳлил концепциясини қўлланилиши билан таъминланади ва адсорбцион колонкаларнинг чиқишидаги чўққининг маълумотли параметрларини аниқловчи қурилма асосидаги кўп каналли ўлчаш тизимларини қўллаш натижасида олинган натижаларни назарий тадқиқот натижалари билан мос келиши билан тасдиқланади.

Назарий тадқиқотлар натижаларининг ҳулосаси амалда қўлланилишидан олинган натижаларга мослиги, илмий қоидалар, ҳулосалар ва тавсияларнинг ишончилиги, саноат корхонасидаги тажрибавий прототиплар ва ишлаб чиқаришга жорий этиш далолатномалари ҳақидаги маълумотномалар, шунингдек ишлаб чиқилган ўта тоза моддаларни олиш сифат ва миқдорий параметрларини мониторинг тизими билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти адсорбцион ускунанинг чиқишидаги чўққининг боши ва охири аниқловчи қурилма ва элементлар ёрдамида ўта тоза моддаларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилиниши ва ишдан чиққан колонкаларни аниқлаш ва алмаштириш усулларини ишлаб чиқилишидаги назарий такомиллаштириш ва ривожлантирилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп каналли чўққини боши ва охири аниқловчи қурилма ва элементларни, махсулаштирилган кузатув турли аналог рақамли ўзгартиргични ишлаб чиқилишини ўз ичига олган ва улар ўз навбатида ўта тоза моддаларни ҳосил қилиш учун кўп каналли тозалаш тизимини тузиш имконини яратадилар.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимида кўп колонкали адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш қурилмаларини таҳлил қилиш ва синтезлаш усуллари иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган кузатув турли аналог-рақамли ўзгартиргич ва унинг асосидаги адсорбцион колонка чиқишидаги чўққининг боши ва охири аниқловчи қурилма «Qizilqumsement» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги РИАМ суд тиббиёт экспертизасига жорий қилинган («O'ZSANOAT QURILISH MATERIALLARI» ЎҚМСКУ нинг 2019 йил 17 декабрдаги 02/10-3312-сон маълумотномаси). Натижада цементнинг фоизли таҳлили жуда кичик хатолик билан аниқланиб, бунинг ҳисобига цемент ишлаб чиқиш жараёнида сифат кўрсаткичлари оширилган;

адсорбцион колонканинг чиқишидаги наъмуналар олиш қурилмаси бошқарувчи сигналига эга чўққининг боши ва охири аниқловчи

қурилманинг чиқишидаги сигналларни адаптацияловчи қурилма, ифлосланган адсорбцион колонкаларни аниқлаш, уларни янгиларига алмаштириш алгоритмлари «Qizilqumsement» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги РИАМ суд тиббиёт экспертизасига жорий қилинган («O'ZSANOAT QURILISH MATERIALLARI» ЎҚМСКУ нинг 2019 йил 17 декабрдаги 02/10-3312-сон маълумотномаси). Олинган натижалар моддаларни таҳлил қилиш ва тозалашда, чиқиш сигналига ишлов беришдаги тезкорлиги, юқори аниқлилиги ва ишончилиги, амалга оширилаётган таҳлилларнинг самарадорлиги ҳисобига адсорбцион усқунанинг қўлланилишини самарадорлигини ошириш имкониятини берган;

моддаларни тозалаш тизимларини қуриш усуллари ва назариясини тизимли таҳлили, чуқур тозалаш тизимини яратиш ва ишга туширишда қўлланиладиган алгоритм ва усуллар «Qizilqumsement» АЖ да амалиётга жорий қилинган («O'ZSANOAT QURILISH MATERIALLARI» ЎҚМСКУ нинг 2019 йил 17 декабрдаги 02/10-3312 сон маълумотномаси). Натижада цементнинг фоиз таркибини аниқлаш ва уни керакли даражада ўзгартириш имкони юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 11 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий ишлар эълон қилинган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари эълон қилиниши учун тавсия этилган журналларда 15 та илмий мақолалар, шулардан 2 таси ҳорижда нашр қилинган, 2 та ЭҲМ учун дастурларни қайд этиш ҳақида гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациятузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий адсорбцион ўлчов усуллари**ни таҳлили ва адсорбцион сигналларнинг маълумот тавсифлари» деб номланган биринчи бобида замонавий адсорбцион ўлчовнинг физик-кимёвий асослари ва усуллари таҳлил қилинган, адсорбцион ускуна чиқишидаги сигналнинг маълумотли параметрларини аниқлаш услубияти келтирилган, адсорбцион ўлчов туридан фойдаланилганда адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларнинг асосий маълумотли тавсифлари аниқланган, адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларнинг частотавий хусусиятлари кўриб чиқилган.

Маълумки, охирги даврларда Ер юзасида иқлимнинг глобал ўзгариши кузатилмоқда. Бунинг ҳаммаси атмосферада CO_2 газини ортиб бориши ҳисобига юзага келмоқда. Бу газ асосан табиий энергоресурсларни, яъни табиий газ, нефть ва тош кўмирлар кабиларни ёқилиши ҳисобига вужудга келади. Бу муаммони ечимини топиш учун энергия тежовчи технологияларнинг ишланмалар миқёсини кенгайтириш керак бўлади. Бу мақсадга эришиш учун энергия тежовчи технологияларда қўлланиладиган қурилмаларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш керак бўлади, ва бу мақсадга эришишда олдиндан қўлланилаётган материалларнинг турларидан фойдаланиш мумкин, фақатгина шу фарқи билан-ки, бу материаллар аралашмалардан ўта тоза даражагача тозаланган бўлиши керак бўлади.

Аралашманинг миқдори $10^{-8}\%$ камрок бўлган ўта тоза моддани саноат масштабларида олиш имконияти, кўп колонкали кимёвий элементларни тозаловчи адсорбцион тизим ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Тозалаш тизимидаги колонкаларнинг миқдори 500 дан 10000 гача ўзгартирилиши мумкин.

Материалларнинг бошланғич ҳолатининг сифат даражасига ва тайёр маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг тобора ортиб бориши, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқилиши ва шу каби жараёнларни бошқаруви билан боғлиқ масалалар, ўта тоза моддаларни яратиш тизимидаги чиқувчи адсорбцион сигналларга ишлов беришда қўлланиловчи элемент ва қурилмаларнинг такомиллашувини талаб этади.

Ишлаш тамойилига кўра, адсорбцион ускунага адсорбцион ўлчов турига асосланган бўлиб, бу соҳада кенг тарқалган адсорбция назарияларидан бўлиб, Ленгмюр назарияси ҳисобланади. Бу назарияга асосан, қаттиқ жисмнинг (адсорбентнинг) юзасида актив марказлар мавжуд бўлиб, ва уларда юзавий кучлар таъсирида буғ ёки газ молекулаларининг адсорбцияси амалга оширилади. Адсорбент қанчалик фаол бўлса, шунчалик тез унинг юзаси мономолекуляр адсорбат қавати билан қопланиб, газ фазасидаги молекулалар билан юзадаги молекулалар орасида адсорбцион тенглик ўрнатилади.

Адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигнални маълумотли параметрини аниқлашнинг тузилма услубияти келтирилган. Адсорбцион чўққининг юзасини аниқлашнинг ўхшашма усуллари келтирилган.


Адсорбцион ускунанинг функционал схемаси (1-расм) ўз таркибига K_i концентрацияли турли компонентлардан ташкил топган тадқиқ этилаётган модда танламали блокни олади. Ташқи таъсир X_f мавжуд бўлганида, X_i

компонентнинг хусусияти намоён бўла бошлайди ва ускунанинг детекторининг сезгирлигини ўзгариши натижасида, танланмадаги K_i компонентнинг концентрациясига пропорционал U_i аналитик сигнали шакллана бошлайди.

Адсорбцион ускунани амалиётда қўлланилиши, унга мос келувчи методик таъминотни қўлланилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун, адсорбцион усулда моддаларни ажралишининг маълумотли тавсифлари кўриб чиқилган. Адсорбцион усулнинг маълумотли хусусияти қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$P_{инф} = \sum_{i=1}^n \log_2 N_i, \quad (1)$$

бу ерда N_i - таҳлил этилаётган модданинг аниқланиши керак бўлган ҳар бир n аниқланиши керак бўлган компонентлари учун руҳсат этилган қийматлар (турли градациялар учун) сони.



1-расм. Адсорбцион ускунанинг тузилмаси

x параметридан қатъий назар сигналлар M_x кесимида аниқланадилар:

$$M_x = X_{ю} - X_{к},$$

бу ерда $X_{ю}$ - x параметрининг юқори қиймати, $X_{к}$ - унинг қуйи қиймати.

x параметри сифатида мисол тариқасида вақт ёки бирорта бир бошқа мустақил параметр олиниши мумкин.

Адсорбцион усулнинг руҳсат этувчи хусусияти қуйидаги муносабат билан ифодаланади:

$$r(x) = \frac{x}{\Delta x},$$

бу ерда Δx - x компонентнинг иккита қўшни қийматларини энг кичик илғаланувчи айирмаси.

Таҳлил натижасида $M_x/\Delta x$ қийматларини турли параметрлар учун олиш мумкин бўлиб, бу параметрларнинг ҳар бири N_i илғаланувчи градацияларга эга бўлади. Домий катталиқ $N_i = const$ бўлганида, адсорбцион усулнинг маълумотли хусусияти қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$P_i = \frac{M_x}{\Delta x} \log_2 N_i,$$

адсорбцион усулни амалга оширилишида ҳосил қилинувчи максимал даражадаги маълумотлар миқдорини P_{im} аниқлаш имконини беради. Амалда фойдали маълумот миқдори P_{in} , потенциал миқдор, усулнинг маълумотлари миқдорининг қўплиги сабабли P_{im} дан камроқ миқдорда аниқланади, уни қуйидаги катталиқ билан баҳолаш мумкин:

$$K_{м.к.} = \frac{P_{im}}{P_{in}}.$$

Чиқиш сигналларига ишлов берувчи қурилмаларни ишлаб чиқилишида қўлланиладиган энг асосий тавсифлардан бўлиб, адсорбцион усулда

аниқланиши мумкин бўлган градациялар сони ва маълумот хусусияти ҳисобланилади. Асосий аҳамиятга аниқланиш поғонаси C_k (етарлича аниқлик билан топилиши мумкин бўлган компонентнинг энг кичик концентрация миқдори), аниқланувчи таркиблар диапазони $C_k \dots C_{j_0}$ ва таҳлил вақти каби параметрлар эга ҳисобланадилар.

Адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларни айлантурувчи воситаларнинг асосий параметрларидан бири бўлиб, унинг дискретизация частотаси ҳисобланганлиги учун, адсорбцион сигналларнинг частота диапазонлари кўриб чиқилган, бунга асосланган ҳолда сигналларни аналог-рақамли ўзгартириш воситаларида керакли дискретизация частотасини танлаш имконини беради, ёки уни диапазонлари кенглигини ўзгартирилишига мос ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Адсорбцион ускунанинг чиқишидаги маълумотларга бирламчи ишлов бериш ва автоматлаштирилган йиғув тизимини функционал-тузилмавий ташкиллаштирилиши**» деб номланган иккинчи бобида адсорбцион ускуналарда қўлланилувчи ўлчов ҳисоблаш воситалари, қурилмалари ва элементларининг асосий ҳослик белгилари ва тузилиш усуллари ёритилиб берилган.

Адсорбцион усулларнинг эффективлиги адсорбцион ускунанинг чиқишидаги маълумотларни автоматлаштириш қурилмалари ва элементлари ҳисобига аҳамиятли даражада ошиб, ва у асосан учта йўналишда: умумий қўлланиш учун мўлжалланган, қайта ишлов мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган универсал шахсий компьютерларда, маҳсус ҳисоблаш машиналарида ривожланиб бормоқда.

Адсорбцион ускунани умумий қўлланиш учун мўлжалланган универсал шахсий компьютер билан уланиши, жуда қиммат ва етарли даражада бўлмаган тизимларни яратилишига олиб келиб, бунга қўшимча равишда, чиқиш сигналини регистрацияси ва қайта ишлов натижаларини олишнинг орасидаги вақт фарқи натижасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг коррекцияси мураккаблашиб боради.

Маҳсус ҳисоблаш учун мўлжалланган элементлар ва қурилмалар тайёрланиши ва эксплуатация жиҳатидан арзон бўлиб, аммо лекин улардан фойдаланиш кўлами чекланган бўлиб, бир хил мураккаб бўлмаган қайта ишлов алгоритмларидан фойдаланилиб, қатъий аниқланган структура билан шартланади.

Маҳсус ҳисоблаш қурилмалар ва элементларни, шу билан бирга замонавий шахсий компьютерни мослашувчанлик қобилиятини ўзида намоён этувчи шахсий компьютерни қўлланилиши, ҳисоб ишларини марказлаштириш имконини беради. Шахсий компьютернинг кичик ўлчами, массаси ва арзон тан нархи, машинани чамбарчас маълумот манбаига ва бошқариш объектига яқинлаштириш имконини беради, бу эса алоқа линияларида аҳамиятли даражада сарф харажатларни тежалишига, ишлов бериш тизимларини қайта тузилиши ва мослашувчанлигини ошишига олиб келади.

Таҳлил қилинаётган сигналнинг қўшимча параметр ва тавсифларини аниқлаш учун, тизимнинг аппарат қисми ва таркибий элементларини ўз ичига олувчи функционал схема ишлаб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Шу билан бир қаторда, автоматик диапазон танловли ўлчов қурилмаси таклиф этилган. Бу ерда ўлчагич кучайтиргичнинг автоматик танлов коэффициентини кучайтирувчи қурилманинг оптималланиши кўриб чиқилган. Реверсив ҳисоблагичли ва сумматорли дифференциаторнинг структуравий схемаси келтирилган. Кенгайтирилган диапазонли маълумотларни йиғиш элемент ва қурилмаларнинг тузишнинг асосий усуллари келтирилган. Оптимал ҳисобловчи аналог-рақамли ўзгартиргични тузилмасини ишлаб чиқишда автомасштабли кучайтиргичдан фойдаланиш тавсия этилган.

Автомасштабли кучайтиргич ва аналог-рақамли ўзгартиргич хатоликларининг манбаларининг таҳлили қилинган. Автомасштабли кучайтиргич ва аналог-рақамли ўзгартиргич хатоликларининг манбаларининг таҳлилларининг натижалари ўрганиб чиқилган. Ҳисоб боши нукталари атрофида бошланғич сигнални математик ифодалаш учун Тейлор қаторига ёйиш йўли орқали, апертура хатолигининг аниқ қиймати аниқланган. Геометрик йиғинди орқали келтирилган аналог-рақамли ўзгартиргичнинг тўлиқ хатолиги даражасини ҳисоблаш формуласи келтирилган. Турли тўлқин узунлик қийматларига эга бўлган аналог-рақамли ўзгартиргич томонидан ҳосил қилинувчи хатоликларининг нормал ва бир меъёردа тақсимланиш қонуниятларининг график кўриниши келтирилган. Натижада, реал аналог-рақамли ўзгартиргичнинг квантлаш тавсифи учун математик ифода олинган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўта тоза моддаларни олиш тизимида маълумотларга ишлов бериш қурилмалари ва элементларининг метрологик тавсифларини оширишга мўлжалланган воситалар, алгоритмлар ва усуллари ишлаб чиқиш**»га бағишланган бўлиб, моддаларни аралашмалардан тозалаш жараёнидаги асосий параметрларни назорат қилиш ва бошқариш алгоритмлари, усулларнинг ишланмаси масалалари кўриб чиқилган.

Адсорбцион колонканинг чиқишидаги маълумотли параметрларни аниқлаш учун математик таҳлил келтирилган. Адсорбцион ускунада икки ва ундан ортиқ сорбатларнинг абсолют бўлиниши – қийин эришиладиган жараён ҳисобланилади. Шунинг учун математик таҳлил ёрдамида тўлиқ бўлинмаган чўққиларнинг боши, охири ва экстремумини аниқлаш имкони ҳосил бўлади.

Адсорбцион сигналнинг математик моделининг ишланмаси келтирилган. Адсорбцион ускунадан келиб тушаётган маълумотларга ишлов бериш масалалари амалга оширилишида, асосий вазифалардан бўлиб, адсорбцион чўққиларнинг параметрларини аниқланиши ҳисобланилади. Бу масала чўққиларни ёмон бўлиниши жараёни ҳисобига, кўп баробар мураккаблашади ва охириги йиллар амалиётини кўрсатишича, таҳлилларда қўлланиладиган моддалар тобора кўп миқдордаги таркибий ташкил этувчиларга эга бўлганлиги сабабли, шунга мос равишда адсорбцион чўққилар адсорбцион сигналнинг чиқиш тавсифларида, яхши ажралмаган


чўққилар кўринишида намоён бўлади, кўп ҳолларда эса, бутунлай қапишиб кетган ҳолда бўлади. Бу ҳолда, адсорбцион чўққиларнинг параметрларини аниқлаш учун зарурий талаблардан бўлиб, адсорбцион чўққининг математик моделини аниқлаш ва уни адсорбцион ускунадан келиб тушувчи маълумотларга ишлов берилишида математик таъминотда кўринишида қўлланилиши ҳисобланади.

Адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларга дастлабки ишлов бериш босқичида, маълумотли параметрларни аниқлаш комплекс дастурий-алгоритмининг тузилмаси келтирилган.

Маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва йиғиш тизим остида, маълумотлар буферининг тўлиб бориш назорати, бир бири билан қапишиб кетган чўққиларнинг мавжудлигининг назорати, чўққининг максимал қийматига нисбатан, чиқиш чўққиларини маълум қийматга четлашишини назорати олиб борилиб, ҳисоблаш машинасининг хотирасига аналог рақамли ўзгартиргичдаги маълумот каналига кириш имкониятлари бошқарилади.

Априор ноаниқлик шароитида ўта тоза моддаларни олиш тизимида кўп колонкали адсорбцион ускунани тузилишини комплекс дастурий-алгоритмининг тузилмаси келтирилган.

Бир давр чегараси миқёсида ўта тоза моддаларни олишдаги кўп колонкали адсорбцион ускунасини ишини бошқариш алгоритмининг ишлаш принципини кўриб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Ўта тоза моддаларни яратиш кўп колонкали адсорбцион ускунанинг ишини бошқарувчи алгоритми

Ҳар бир даврнинг бошида «1» ифлосланган колонкаларлар банкига киритилган колонкалардан ташқари, барча адсорбцион колонкаларга бир вақтда мобайнида тозаланаётган аралашманинг пуркатилиши амалга оширилади. Ифлосланган колонкаларнинг банки шахсий компьютернинг экранда жадвал кўринишида ёритилиб, у ерда идентификацион номерга эга бўлган ифлосланган колонкаларнинг сони кўрсатилган бўлади. Хизмат кўрсатувчи персонал, шу жадвалдан келиб чиққан ҳолда, ажратилган ифлосланган колонкаларни янгиларига алмаштириб, ифлосланган, маълум номерга эга бўлган колонкани алмаштирилганлиги тўғрисида маълумотни ўзида намоён этувчи страб-импульс кўринишида узатади. Кейинчалик алмаштирилган колонка, ифлосланган колонкалар банкидан ўчирилиб, фаоллар қаторига кўшиб қўйилади. Шундан кейин, чўққини бошини аниқловчи барча қурилмалар «8» излаш режимига ўтказилади. Чўққини бошини аниқлаш моментига $t=t_1$ «7» танлаш қурилмасини ишга тушириб, «9» тозаланаётган модданинг аралашмаси киритилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чўққини боши, охири ва экстремумини аниқловчи қурилма, тозаланаётган аралашмани киритиш ва танлаш қурилмалари ҳар бир адсорбцион колонка учун алоҳида индивидуал қўлланилади. Шу моментдан сўнг, чиқишдаги чўққининг маълумотли параметрларини аниқловчи қурилма экстремумни «11» излашни бошлайди.

Экстремумларни аниқланишида ҳар бир колонканинг n экстремумини пайдо бўлиш вақти $t_{эn}$ стандарт бўлган қиймат $t_э$ билан солиштирилади «10». $t_{эn} > 1,3t_э$ ёки $t_{эn} < 0,7t_э$ шартлардан бири бажарилганда, бу колонка ифлосланган адсорбцион колонкалар банкига ёзилади «12», қайси автоматик тарзда ифлосланган колонкалар банкига ёзиб қўйилади «3». Кейинги босқичда, чўққининг охирини изланиши бошланади «14». Чўққининг охирини аниқланиш моментига $t=t_2$, шина «2» орқали танлангани киритиш қурилмаси ўчирилади «5» ва ўта тоза моддаларни олиш тизими кейинги циклга тайёр деб ҳисобланилади.

Адсорбцион ускунанинг чиқишидаги сигналларга ишлов бериш учун қўлланиладиган аналог-рақамли ўзгартиргичнинг тури таҳлил қилиниб, танланмаси амалга оширилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Адсорбцион сигналларга ишлов берувчи қурилма ва элементларнинг ишлашидаги масалаларни ҳисобий-аппарат ечимларини ишлаб чиқиш**»га бағишланган бўлиб, адсорбцион ускунадан келиб тушувчи чиқиш сигналларига ишлов беришда иштрок этувчи элемент ва қурилмаларнинг ишланмалари келтирилган.


Интеграл микросхема асосидаги кетма-кет яқинлаштирувчи аналог-рақамли ўзгартиргичнинг ишланмаси ва ҳисоблаш ишлари амалга оширилган.

Автомасштабли ҳисобли кучайтиргичнинг ҳисоблаш ишлари ва ишланмаси амалга оширилган. Ишлаб чиқилаётган кучайтиргичда, кучайтириш коэффициентининг ўлчови иккилик код кўринишида амалга оширилганлиги сабабли, рақамли буйруқнинг келиб тушишида, 15 мкс вақт оралиғида кучайтириш коэффициентининг ихтиёрий саккизта қийматида,

иккилик қонуниятига асосан ўзгарадиган 0,5 дан 64 чегара доирасида ишлайдиган дифференциал ҳисоблаш кучайтиргичи ишлаб чиқилган (3-расм). Кучайтиргич 200 кГц гача бўлган частота диапазонида, $\pm 10\text{В}$ кириш (чиқиш) сигналида, 0,02% амплитуда тавсифининг нозиклигида ишлайди. Кучайтиргич, операцион кучайтиргичлар ва резистив бўлгичлар асосидаги кетма-кет уланган ўзгартиргичлардан ташкил топган бўлиб: кучланишни токга ўзгартирувчи айлантиргич, токни кучланишга ўзгартирувчи айлантиргичлардан ташкил топган бўлади.

Токни кучланишга ўзгартирувчи айлантиргич схемасида, аналог коммутатор M_6 томонидан ўрнатилувчи $R_8 \div R_{13}$ резисторларини операцион кучайтиргич чиқиши M_7 билан потенциал калитлар ва ток орқали токни кучланишга ўзгартирувчи айлантиргич орқали чиқишни боғловчи узатиш коэффициентининг тўртта қиймати кўзда тутилган. Шу билан бирга, операцион кучайтиргичнинг чиқиш кучланиши M_7 фақатгина $R_8 \div R_{13}$ резисторлардаги кучланишнинг тушиши билан аниқланиб, калитларнинг қаршилигининг таъсири йўқолади.


Ўлчовдаги хатоликлар миқдорини камайтириш учун, автомасштабли ўлчов кучайтиргичи учун, рақамли компараторнинг ҳисоблаш ишлари ва ишланмаси амалга оширилган.



3-расм. Автомасштабли кучайтиргичнинг принциал схемаси:

$M_1 - M_4$ $\mu\text{A} 741$; M_5 - CD4066A; M_6 - TDA1029; M_7 - $\mu\text{A} 741$

Аналог-рақамли ўзгартиргич кучайтиргичининг кучайтириш коэффициентини бошқарилишининг рақамли қурилмасининг принциал схемаси 4-расмда кўрсатилган. Бу қурилманинг асоси бўлиб К555СП1 микросхема асосидаги 12 разрядли кодларни таққослаш схемаси ҳисобланилади. Бу микросхема 2 ва 4 рязрядли сонларни таққослаш схемаси деб ҳисобланилади. Аммо лекин бизнинг аналог-рақамли ўзгартиргичимиз 12 разрядга эга бўлганлиги сабабли, учта К555СП1 типли микросхемани каскад кўринишида улаймиз. Каскадли улашнинг схемаси 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Аналог-рақамли ўзгартиргични K555CP1 типли микросхема билан каскадли уланиш схемаси

Схемада (4-расм) иккита 12 разрядли таққослаш схемалари қўлланилган. Схемалардан бири аналог-рақамли ўзгартиргичнинг чиқишидаги кодни таянч код № 1 билан таққослайди. Бу ҳолда таққослаш схемасининг $A > B$ чиқиш сигнали қўлланилади.

Кучайтиргичнинг кучайтириш коэффицентини бошқаришнинг рақамли схемасини кириш сигналларида юзага келадиган тасодифий кескинлашишлардан ёки озуқа манбасида юзага келадиган сакрашлардан ҳимоялаш учун K155IP13 микросхема асосида силжитиш регистри кўринишида схема ясалган. Дастурланувчи дифференциал кучайтиргич ишини бошқарувчи схема аналог-рақамли ўзгартиргичнинг 4 чи такт импульсини $t_{\text{такт}}$ кучайтирувчи кучайтиргичнинг коэффицентини ўзгаришини таъминлайди.

Таққослаш схемасини дастурланувчи дифференциал кучайтиргич схемаси билан мослаштириш учун K155IE7 микросхемаси қўлланилган ва 4-расмда кўрсатилган.


Ўта тоза моддаларни олиш тизими учун электрон асос тузилмасига кирувчи қурилмалар ва элементлар билан биргаликда шахсий компьютер базаси асосида моддаларни тозалаш тизимини бошқарувини ташкиллаштириш учун априор ноаниқлик шароитларида, ўта тоза моддаларни тайёрлаш тизимларида, кўп колонкали адсорбцион ускуна тузиш комплекс алгоритм тузилмаси учун дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Чуқур тозалашни амалга оширувчи тизимнинг тузилмасини соддалаштириш мақсадида, ўта тоза моддаларни олиш тизими учун электрон асос ва унинг таркибига кирувчи қурилма ва элементларнинг ишланмаси келтирилган.

Чуқур тозалаш тизимини тузилмасини соддалаштириш учун, битта канал бўйлаб, рақамли маълумотни кўп каналли узатиш қурилмасининг ишланмаси келтирилган. Ишлаб чиқилган қурилманинг қўлланилиши,

рақамли маълумотларни узок масофадаги белгиланган объектга узатиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, ўта тоза моддаларни олинишидаги адсорбцион ускуналардан келиб тушувчи сигналларга ишлов бериш имконини беради. Сигнални узатилишида битта каналдан фойдаланилганлиги учун, параллел рақамли кодни кетма-кет кодга айлантириб берувчи қурилманинг принципиал схемаси ишлаб чиқилган ва келтирилган. Шу қурилманинг схемаси 5-расмда келтирилган.


Қурилманинг тактли частотасини айланма схема бўйича SN7400 микросхема асосида қурилган генератор таъминлаб, унинг кўриниши M1-1 ÷ M 1-4, 5-расмда келтирилган. Сигнал генератордан SN7493J микросхема асосидаги, M2 элемент, иккилик ҳисоблагичнинг тактли киришига узатилилади. Бу микросхеманинг 12, 9 ва 8 чиқишларидаги чиқиш коди, мантиқий элементлар ёрдамида, 6-расмда келтирилган, SN7410 микросхема асосида ясалган M4, M5 ва M6 микросхемалар ва SN7400 микросхема асосида ясалган M3, M7 ва M8 микросхемалари кетма-кеткодни шакллантириб M9 ва M10 микросхемаларнинг киришига рухсат этувчи сигнални навбат билан узатади.




5-расм. Параллел рақамли кодни кетма-кет кодга айлантирувчи қурилманинг принципиал схемаси

Натижада, SN7430 микросхеманинг чиқишида аналог-рақамли ўзгартиргичнинг чиқишидаги параллел кодга мос келувчи кетма-кет кет пайдо бўлади.

Чўққини боши, охири ва экстремумини аниқловчи қурилмаларда кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичларни қўлланилиши ўзининг ишлаш принципига кўра бошқаларга нисбатан бир неча даражага соддарок ҳисобланилади, аммо лекин саноатда кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичлар блокли вариантда ишлаб чиқарилмайди.



6-расм. Параллел рақамли кодни кетма-кет кодга айлантирувчи курилмага мантикий элементларнинг принципиал схемаси
Ишлаб чиқилган кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичнинг схемаси 7-расмда келтирилган.




7-расм. Кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргич

Бу схемада такт частотасини SN7400 микросхема асосида йиғилган импульс генератори таъминлайди, расмда M1 деб белгиланиб, айланавий схема кўринишида ишланган. Генераторнинг чиқишидан такт частотаси SN74193 серияли микросхема асосида ишланган 12 разрядли реверсив ҳисоблагичнинг киришига келиб тушади, 7-расмда M2, M3 ва M4 микросхемалар кўринишида акс эттирилган. Микросхемаларнинг ўзи эса 4 разрядли ҳисобланадилар. Йиғилган микросхемалар 12 разрядли реверсив ҳисоблагични ишини бажарадилар. 12 разрядли код AD7541 микросхема асосида бажарилган 12 разрядли аналог-рақамли ўзгартиргичнинг киришига

узатилади. Рақам-аналог ўзгартиргичнинг чиқиш сигнали ток шаклида ифодаланилади. Чиқиш сигналини ток-кучланиш айлантрилиш режимида, потенциал қийматга келтириш учун $\mu A741$ микросхемасидан фойдаланамиз. Чиқиш сигнали микросхемадан $IL311ANM$ микросхема асосидаги компараторлар чиқишига келиб тушиб, компараторларнинг чиқиш сигналлари резистив-диодли занжирлар ёрдамида $0V$ ва $+5V$ режимларида ўзгартириладилар. Бу сигналлар реверсив ҳисоблагичнинг «+1» ва «-1» маълумотли киришлари билан уланиладилар. Тескари алоқа мавжуд бўлганлиги учун, реверсив ҳисоблагичнинг чиқишидаги рақамли код ҳар қандай вақт momentiда ишлаб чиқилган кузатув туридаги аналог-рақамли ўзгартиргичнинг киришидаги аналог сигналнинг қийматларига мос келади.

